*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 март, жума, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 67 (1584)

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

-- Бу галги учрашув МДҲга асос солинганига беш йил тўлиши муносабати билан ўтяпти, -- деди Президент журналистларга берган интервьюсида. -- Унда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёни, қўшни Тожикистон ҳамда Кавказортидаги вазият, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф. Сидорский бор эди.

**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 март куни Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайхни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов элчи Шафқат Али Шайхнинг Ўзбекистондаги фаолиятини юқори баҳолар экан, икки давлат муносабатларининг янги босқичга кўтарилишида унинг ҳам ҳиссаси борлигини таъкидлади.

-- Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари узоқ тарихга эга, -- деди Ислом Каримов. -- Бугун ана шу дўстона муносабатларимиз халқаро доирада ҳам мустаҳкамланмоқда.

Элчи Шафқат Али Шайх Ўзбекистондаги элчилик ваколати муддати ниҳоясига етганини маълум қилар экан, бундан буён ҳам икки мамлакат ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари У. Исмоилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: қабул пайти.*

**А. ТЎРАЕВ**
**тасвирга олган.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги 116-сон қарори 5-бандига мувофиқ ҳамда вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг ва бозор инфраструктураси институтларининг республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида:

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

-- тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат бошқаруви идоралари ҳамда бозор инфраструктураси фаолиятини мувофиқлаштириш;

-- кичик, ўрта ва хусусий бизнесни рағбатлантиришга доир амалдаги қонунчилик ва норматив актларини, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, танлаб олиш, молиялаш ва амалга ошириш механизмини тадбиркорлар кенг доираси ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали фаол тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

-- бизнес-режаларни ишлаб чиқишда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, шу мақсадда ҳокимликлар, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Ўзинвестлойиҳа», «Ўзагросуғурта» компаниялари, тижорат банклари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар иштирокида махсус семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

-- инвестиция лойиҳалари ҳамда таклифлари мониторинги ва уларни танлов асосида танлаб олиш механизмини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

-- танловдан ўтган инвестиция лойиҳалари ва таклифларини молиялаш механизмини ишлаб чиқиш, кредит беришга оид муаммоли масалаларни ечиш, бунда сансалорлик, бюрократлик фактлари ва салбий ҳолатларни бартараф этиш устидан қаттиқ назоратни таъминлаш;

**(Давоми 3-бетда).**





*«Қаршиқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли уйсозлик корхонаси жамоаси шу кунларда Ғузор--Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши учун темир-бетон маҳсулотлари тайёрлаб беришаяпти. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ана шундай ўта зарур маҳсулотларнинг тури ўндан ошиб кетди. Корхонада темир йўл остидан ўтадиган йўлларни пардозлашда ишлатиладиган маҳсулотлар, йўлаклар учун бардерлар, автомобиль йўллари учун махсус бетон йўлак плиталарини тайёрлаш илк марта бажарилмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: (юқорида) арматура турлари тайёрлаш цехининг бригада устаси Толиб Қодиров ва корхона ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Эрол Эроловлар маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиришаяпти; назоратчи Лобар Полвонова.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Республиканинг иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарини ихтисослаштиришни такомиллаштириш, соҳасини ўзгартириш ёки тугатиш бўйича таклифларни синчиклаб ўрганиш ҳамда тайёрлаш мақсадида:

1. Қуйидаги корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бўйича республика ва тармоқ комиссиялари тузилсин:

-- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланмаётган ва ишда мунтазам суръатда бекор туриб қолишга йўл қўяётган;

-- ишлаб чиқаришнинг техникавий жиҳозланиш даражаси паст бўлган ва сифати паст маҳсулот ишлаб чиқараётган;

-- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сотилишини таъминламаётган;

-- узоқ вақт мобайнида молиявий зарар кўриш ҳолатидан чиқмаётган.

Бунда комиссиялар бир вақтлар «Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти» деб аталмиш доирада ташкил қилинган корхоналардаги ишларнинг аҳволига алоҳида эътиборни қаратсинлар.

2. Тармоқ комиссиялари республика Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишлар бўйича қўмита билан бирга вазирликлар, идоралар, концернлар ва уюшмаларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда ҳар бир корхона бўйича қуйидагиларни кўриб чиқсинлар:

-- ишлаб чиқаришни бозорга хос бошқаришнинг ташкилий тузилмаси самарадорлиги;

**(Давоми 3-бетда).**

## САНЪАТКОРЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимиз театр санъати ходимлари Халқаро театр кунини ижодий муваффақиятлар билан кутиб олди. 27 март куни Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ана шу санага бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда пойтахт театрларининг артистлари, саҳна санъати фахрийлари, томошабинлар вакиллари иштирок этди. Йиғилишни театр директори, халқ артисти Ёқуб Аҳмедов очди.

Республика маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев халқимиз маънавиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган саҳна заҳматкашларини касб байрами билан табриклади. Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси Бернора Қориева, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов театр жамоалари билан адибларнинг ҳамкорлиги натижасида яратилаётган кўплаб асарлар элга манзур бўлаётгани ва бу анъанани бундан буён ҳам давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

**(ЎзА).**

● *МУХБИР САФАРДАН ҚАЙТДИ*

## МУЛК ВА МУЛКДОР

**Бу муҳим икки масаланинг тўлиқ ечим топмаётгани Наманган вилоятида ислоҳотларнинг жадаллашувига тўсқинлик қилмоқда**

***«Ҳали мулкдорлик туйғуси... тўла қарор топгани йўқ. Мулкдорлик ҳуқуқи берилган кишилар ўзини мулкдор деб ҳисоблай олмаяпти, мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяпти.***

***Ҳақиқий мулкдорлик туйғусидан маҳрум киши ўз ҳуқуқлари учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва пировард натижа учун кураша олмайди. Бу борада ҳуқуқий асос, ҳуқуқ ва суд органлари, адвокатура, суғурта ва аудит тизими ҳам заиф ишлаяпти. Бу эса бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш, умуман, ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган энг катта муаммодир».***

(Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан).

### I. НАМАНГАН ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ

**МАЪЛУМОТНОМА. Наманган вилояти республикамизнинг шарқида, Фарғона водийсининг шимолий қисмида, Қурама ва Чотқол тизма тоғларининг ён бағрида жойлашган. Унинг 7,44 минг километр квадратдан иборат ер майдони шимолда Қирғизистон Республикаси, жануби-ғарбда Тожикистон Республикаси, жануби-шарқда Андижон, жанубда Фарғона, шимоли-шарқда Тошкент вилоятлари ҳудудларига туташиб кетганки, бу ерда 1 миллион 820 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Умумий аҳолининг 62 фоизи эса қишлоқда истиқомат қилади.**

**(«Қомус» китобидан).**

Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ана шу воҳа нафақат гўзал табиати, балки саховатли замини, жуда катта ишлаб чиқариш салоҳияти, ҳунармандчилик ва зироатчилик тажрибалари билан ҳам алоҳида нуфузга эга. 1996 йилнинг ўзида вилоятда 331 та акциonерлик жамияти, 1634 та кичик ва хусусий корхона, жумладан, 149 та деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилгани, 54 та қўшма корхона рўйхатга олингани шундан далолат беради.

**(Давоми 2-бетда).**

● *РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА*

## ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ЮРТ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 мартдан 2 апрелга қадар расмий ташриф билан Греция Республикасида бўлади**

Бугунги кунда Европа мамлакатларининг кўпчилиги иқтисодий ва маданий соҳада юксак даражага эришган. Маълумки, илғор технологиялар туфайли бу мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан жаҳон бозорида ажралиб туради. Мамлакатимизнинг Европа сари дадил одимлаётганлигининг сири ҳам ана шунда.

Яъни, ҳозирги кунда бизнинг саноатимиз янги технологияларга эҳтиёж сезмоқда. Европа халқлари Ватан манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилишга одатланишган. Зотан, қалбида ана шу эзгу мақсадлар уйғунлашган халқгина мўъжизалар яратишга қодирдир. Биз бугун Европа иқтисодига интеграциялашув йўлидан борар эканмиз, ушбу қитъа давлатларининг жуда катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олишдан ва улар билан ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдормиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги мавқеи, бой маданий мероси, ёхуд пахта экспорти бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи, олтин захираси бўйича бешинчи ва уни қазиб олиш бўйича олтинчи ўринда туриши Ғарбдаги ҳамкорларимизнинг чинакам ҳайратига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистондаги ушбу имкониятлар Европадаги сармоядорларни ўзига жалб этмоқда. Ўзбек -- грек муносабатларини ҳам ана шу ўзаро интилишларнинг самараси сифатида баҳоламоқ жоиз.

Маълумки, грек халқи худди бизга ўхшаб бой тарихга ва қадимий анъаналарга эга. Греция пойтахти -- Афина хусусида батафсил тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, ушбу қадимий шаҳар кўплаб буюк зотлар бешиги бўлганлиги ҳаммага аён. Бугун қайси бир грек билан суҳбатлашманг, улар ўз қадриятлари ва олис тарихидан сўзлашдан ёхуд ўз юртидан фахрланиш, уни ўзга кишиларга кўз-кўз қилишдан чарчамайди. Дарвоқе, грек халқи кўпчилик ҳавас ва ҳайрат билан тилга олаётган машҳур Афина шаҳрининг қадимий шакл-шамойилини ҳозирги кунгача асраб-авайлаб келмоқда. Шу боис ҳам, бу улуғ қадамжо юртдан дунё сайёҳларининг қадами узилмайди. Ундан тушадиган маблағ эса, мамлакат миллий даромадининг асосини ташкил қилмоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 4,1 миллиард долларга етди.

Греция иқтисодиётида саноатнинг ўрни беқиёсдир. Хусусан, электротехника, машинасозлик ҳамда кенг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тармоқлари яхши ривожланган. Мамлакатда йирик бандаргоҳлар ва жаҳон талабларига жавоб берадиган 39 та аэропорт бор. Грецияда аҳолини уй-жой билан таъминлаш ЕИ мамлакатлари ичида энг юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Айни дамда аҳолининг 85 фоизи уй-жой билан тўлиқ таъминланган. Грециянинг ташқи савдо ҳамкорлари Германия, Италия, АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Голландия мамлакатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг 16 мартида ўрнатилди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалоснинг юртимизга расмий ташрифи амалга ошган эди. Унда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашилди. Ушбу ташриф давомида консуллик идоралари ҳамда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ҳаво йўллари очиш хусусидаги битим имзоланди. Айтиш мумкинки, мазкур ҳужжат икки мамлакат алоқаларининг равнақ топишига хизмат қилмоқда. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 15,36 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Греция мамлакатимиздан асосан рангли металл ва металл маҳсулотлари ҳамда сунъий ва табиий мўйна сотиб олди. Грециядан эса юртимизга технология, ўсимлик ёғи, какао, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар келтирилди.

Ўзбекистонда Грециянинг учта йирик компанияси ўз ваколатхонасини очган. Айни пайтда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига йўналтирилган 12 та ўзбек -- грек қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ҳам, Грецияда ҳам ҳали очилмаган имкониятлар борки, бу ҳар икки мамлакат иқтисодиёти учун ниҳоятда асқотади. Мамлакатимизнинг Греция билан алоқалари фақат иқтисодий ҳамкорлик билан чегараланиб қолмаслиги ҳам аниқ. Негаки, Ўзбекистон ҳам, Греция ҳам қадимий мамлакат саналар экан, бу жиҳатдан бир қатор манфаатлар муштараклиги бор.

Президентимизнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифалар очиши шубҳасиздир.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### БИЗНИНГ МАЪЛУМОТНОМА



***Греция Республикаси Болқон ярим оролининг жанубида ва унинг атрофидаги оролларда жойлашган. Ҳудуди 132 минг кв.км. Аҳолиси 10,85 миллион. Мамлакат пойтахти -- Афинада 3,5 миллион киши яшайди. Грек тили давлат тили мақомига эга. Миллий пул бирлиги-драхма. 25 март — мамлакат миллий байрами куни сифатида нишонланади. Мамлакат Конституцияси 1975 йил 7 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи Президент ҳисобланади. 1995 йил 8 мартдан бошлаб ушбу юксак лавозимда Константинос Стефанопулос фаолият кўрсатмоқда. Греция Парламенти бир палатали бўлиб, 300 депутатдан ташкил топган. Парламент раиси -- Апостолос Какламанис.***

***Бу мамлакат жаҳондаги бир қатор халқаро ташкилотларнинг аъзосидир.***

### ЖАМИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Жиззахда жамият ва демократия масалаларига доир семинар бўлиб ўтди. Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур анжуманда «Демократия ва ҳуқуқий давлат», «Ўзбекистон тараққиётида матбуотнинг роли», «Тадбиркор нимани билиши керак?» мавзуларида туркум машғулотлар бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Икки кун давом этган семинарда республика Конституцион суди раиси Б. Эшонов, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази раиси А. Саидов иштирок этди.

**(ЎзА).**

**БУХОРО:**

## ХАЛҚАРО БИЗНЕС-СЕМИНАР



***«Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш: чет эл сармояларини жалб қилиш имкониятлари» мавзуида халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди.***

Унда ўндан ортиқ мамлакатлардан келган молия, иқтисод соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг минтақавий ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, республикамизнинг талай вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда вилоятга хорижий сармояларни жалб этиш имкониятлари ҳақида фикр алмашилди. Бухоро вилоятининг бир неча туманида қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа иншоотларни ҳамкорликда бунёд этиш, чорва ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишловчи қўшма корхоналар тузишга келишиб олинди.

Бизнес-семинар якунида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва протоколлар имзоланди.

**(ЎзА).**

**ТОШКЕНТ:**

## ҲУНАР — ҲУНАРДАН УНАР



***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Маданий-маърифий мақсадлардаги туризм ва Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантириш» лойиҳаси билан таништиришга бағишланган учрашув бўлди.***

Бу лойиҳа ўтган йилнинг сентябрида амалга оширила бошлаган эди. У анъанавий ҳунармандчиликни қайтадан тиклаш, технологиялар ва кўникмаларни такомиллаштириш, шунингдек, халқ ҳунармандчилиги усталари ясаган буюмлар сифатини яхшилаш йўли билан халқнинг маданий меросини асраб қолишга қаратилган.

Лойиҳа БМТ Тараққиёт дастури, Меҳр-шафқат корпуси (АҚШ), Каунтерпарт консорциуми (АҚШ) билан Самарқанд ва Бухоро ҳокимликлари ўртасидаги аҳдномага мувофиқ амалга оширилмоқда. Лойиҳани рўёбга чиқаришда республика Маданият ишлари вазирлиги, бошқа ташкилот ва маҳкамалар ёрдам бермоқда.

Ҳунармандчилик устахоналари очиш ва шогирдлар қабул қилиш учун Самарқанд ва Бухорога грантлар берилди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Бухоро шаҳридаги «Сайфиддин» карвонсаройида ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази очилди. Худди шундай марказ тез орада Самарқандда ҳам очилади.

**(ЎзА).**



**Вилоятда саноат соҳасида тўпланган кўпгина илғор тажрибалар кенг ёйилмаётгани, мулк шаклини ўзгартирган корхоналар билан изчил иш олиб борилмаётгани, уларнинг номи ўзгарган эса-да, аксариятида иш услуби ҳанузгача эскича қолаётгани ачинарлидир.**



**«Муштарий» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятидаги аҳвол, айниқса, ташвишланарлидир. Бу корхона 1996 йил якуни бўйича 9,7 миллион сўм зарар кўрди. Чунки мавжуд қувватнинг 36,2 фоизидан фойдаланилмоқда.**



**Чортоқ туманидаги «Хазина» фермер хўжалигига «Чортоқ» жамоа хўжалиги раҳбарлари томонидан вақтида сув берилмагани туфайли 10 гектар ерга экилган экин пишмасдан қовжираб кетди.**



**Бир пайтлар 3 миллион бройлерга мўлжалланган паррандачилик фабрикаси нафақат Наманган вилоятида, ҳатто республикада ҳам маълум ва машҳур эди. Аммо 1993 йилга келиб, унинг шуҳрати бутунлай сўнди: якунда атиги 20 минг 480 сўм фойда олинди. Йил-ўн икки ой давомида 46 минг бош паррандани парваришлаган 170 нафар ишчи қулоғини ушлаб қолаверди.**

# МУЛК ВА МУЛКДОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гуллар макони -- Наманганда, хушҳаво Косонсойда, кўҳна Чустда, дилкушо Чортоқда, навқирон Тўрақўрғон ҳамда бошқа шаҳар ва туманларда яшовчи азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок кишиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили вилоят бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4,8 фоиз, халқ истеъмол моллари тайёрлаш топшириғи 10,5 фоиз ўсди, 1,4 миллиард сўмлик чет эл сармояси ўзлаштирилиб, 143,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Бироқ, таъкидлаш керакки, бозор иқтисодиёти шароити эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасликни, муродга етиш учун янги-янги имкониятларни ишга солишни, бунда ғайрат ва ташаббус кўрсатишни талаб этмоқда. Шу маънода, вилоятда саноат соҳасида тўпланган кўпгина илғор тажрибалар кенг ёйилмаётгани, мулк шаклини ўзгартирган корхоналар билан изчил иш олиб борилмаётгани, уларнинг номи ўзгарган эса-да, аксариятида иш услуби ҳанузгача эскича қолаётгани ачинарлидир. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар секин кечаётир. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, пуллик хизмат турларини кўпайтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Деҳқон (фермер) хўжаликларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш борасидаги ишларни ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Бу камчиликларнинг сабаби аслида мулкдор, фермер, деҳқон ўзини ҳақиқий, асл мулк соҳиби сифатида ҳис қилиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилмагани, кўп жойларда ана шу масалани ечишда расмиятчиликка, бошбошдоқликка, бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйилаётганидадир. Фикримизнинг исботи сифатида далилларга мурожаат қилайлик.

## II. «НОТЎҚИМАЧИ» -- «НОТЎҚИМАЧИ»-ДА!

**ДАЛИЛ: Бугунги кунда вилоятда қарийб 150 та йирик саноат корхонаси мавжуд. 1996 йил давомида улардан 107 таси давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. Бошқача айтганда, хусусийлаштириш режаси 100 фоиз адо этилди. Самара-чи?**

Наманган шаҳридаги «Нотўқимачи» акционерлик жамиятида, асосан, уч хил маҳсулот: нотўқима мато (пахта тозалаш заводларида тайёрланадиган пахта тойларини ўраш учун), қовилган пахта (мебель ва тўқимачилик саноатига аталган) ҳамда астарли ва астарсиз сунъий мўйналар ишлаб чиқарилади.

Марказий Осиёда ягона сунъий мўйна ишлаб чиқариш фабрикасининг ишга туширилганига бир йил бўлди. Ускуналар 93 миллион сўм ҳисобига Германиядан келтирилган бўлиб, барча меҳнат жараёни автоматлаштирилган. Хомашё -- нитрон толаси эса Навоийдаги «Азот» бирлашмасидан олинмоқда. Фабрика қошида халқ истеъмол моллари тайёрланадиган цех ҳам бўлиб, бу ерда 8 хил рангдаги астарли мўйнадан мебель учун ғилофлар, полос ва адёл, шунча рангдаги астарсиз мўйнадан эса аёллар ва болалар пойабзаллари, шуъбалар ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили 88806 минг сўмлик ўрнига 125871 минг сўмлик шундай маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига юборилди. Бу кўрсаткич 1995 йилга таққослаганда 114,5 фоиз кўпдир. Корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи эса 108,2 фоиз бажарилди. Даромад ҳам шунга яраша.

Ҳозирги кунда корхонада 1680 киши меҳнат қилмоқда. 1996 йилда уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2810,2 сўмни ташкил этган бўлса, декабрь ойида бу кўрсаткич 5544,8 сўмга тўғри келди. Шу билан бирга, бурноғи йили пайчиларга дивиденд тариқасида 18 млн. 85 минг сўм тарқатилган эди. 1996 йил якунига кўра, улар жами 40 миллион сўм дивиденд олмоқдалар.

-- Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сунъий мўйналарга хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Россия ва Қозоғистондан ҳам буюртмалар тушмоқда, -- деди жамият бошқаруви раиси Шаробиддин Бадриддинов. -- Бу ўз навбатида валюта тушумини кўпайтириш имконини бераяпти. Шу боис валюта ҳисоб варағини очдик. Қўлга киритилган маблағни эса харидоргир маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадларига ишлатамиз.

Шунинг ўзиёқ ушбу жамоада бошқаларга ибрат бўлгудек тажриба -- бозор шароитида қай йўсинда иш юритиш самарали эканлигини кўрсатувчи тажриба тўпланганини исботлайди. Яхши тажриба эса ҳамманинг мулки бўлмоғи керак. Лекин мутасадди ташкилотлар, қолаверса, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари уни кенг ёйиш ҳақида қайғурмаяпти. Натижада қатор корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга камайиб, ишчилар сони тобора қисқармоқда.

«Муштарий» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятидаги (бошқарув раиси Жавлон Турдиев) аҳвол, айниқса, ташвишланарлидир. Бу корхона 1996 йил якуни бўйича 9,7 миллион зарар кўрди. Сабаби аён: ишлаб чиқариш қувватининг атиги 36,2 фоизидан фойдаланилмоқда. 1997 йил 1 январь ҳолатига кўра эса, ишчилар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 943 кишига қисқарган. Унинг оғир молиявий аҳволга тушиб қолганини мана бу рақамлар ҳам очиқ-ойдин ифодалаб турибди: 1996 йил декабрь ойи учун иш ҳақидан 811 минг сўм, бултурги болалар нафақа пулидан 5,5 миллион сўм, давлат солиқ инспекциясидан 11 миллион сўм, ижтимоий жамғармадан 6 миллион сўм, банкдан олинган кредитдан (устама фоизи билан биргаликда) 46 миллион сўм, бошқа корхона ва ташкилотлардан эса 8 миллион сўм қарздордир.

Аҳвол шу даражада бўлгач, акционерлар дивиденднинг моҳиятию аҳамиятини қаердан билсин? Улар ҳатто меҳнатларига яраша иш ҳақи ололмаяптилар-ку! Манфаатдорлик бор жойдагина иш юришиб кетишини наҳотки раҳбарлар билмасалар?

-- Сизнинг-ча, корхонада вужудга келган оғир молиявий аҳволни ўнглаш учун нималар қилиш керак? -- сўрадик Жавлон акадан.

-- Давлат банкдан олинган кредитнинг устама фоизидан воз кечса, ишни икки сменада ташкил этиб, юзага келган аҳволни яхшилаб олардик.

-- Қўшни корхона -- «Нотўқимачи» акционерлик жамиятидан ўрнак олсангизлар бўлмайдими?

-- «Нотўқимачи» -- «Нотўқимачи»-да! -- жавоб қилди у.

Сездингизми, бу гапда ҳавас бор! Аммо унинг замирида корхонамизнинг келгусида ўнгланиб кетиши даргумон деган маъно ҳам англашилмаяптими? Бунга асослар ҳам бор: мулкка эгалик ҳисси шаклланмаган. Шу пайтга қадар акционерлик жамиятининг раҳбарлари ҳам, ҳиссадорлар кенгаши аъзолари ҳам ўзларининг мулкдор эканини ҳис қилганларича йўқ. Қолаверса, дастгоҳлар эски. Бу ҳол корхонада рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бериши қийин.

Бошқарув раиси Жавлон Турдиев -- янги раҳбар. Лекин у енгил саноат соҳасида суяги қотган мутахассислар тоифасига киради. Унда тажриба ҳам, билим ҳам, интилиш ҳам бор. Корхонада вужудга келган муаммолар ечими ҳақида нафақат у, балки мутасадди ташкилотлар ҳам жиддий ўйлаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди. Зеро, раҳбар ҳар куни ўз жамоаси келажагини ўйлаши, ишчи-ходимларнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида ойлик маошини ошириб бориши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, рақобатбардошлиги ҳақида қайғуриши керак. Бунинг учун, аввало, ўша эски, алмисоқдан қолган ускуна ва технологияни замонавийсига алмаштириш, бинобарин, ана шу муаммони ечиш учун чет эллик шериклар ва имкониятларни жалб этиш лозим. Иккинчидан, корхона технологияни зарур замонавий талаблар даражасида сақлаш мақсадида доимий равишда «қаттиқ» валютага эга бўлиши керак. Уни қаердан олса бўлади? Уни фақат ўз маҳсулотини экспорт қилиш эвазига ишлаб топиш мумкин. Бу масала ҳам яна маълум ва машҳур хорижий фирмалардан шерик топишни тақозо этади. Зеро, ушбу муаммони ҳал этмасдан туриб, товарга тўлиб-тошиб ётган жаҳон бозоридан жой олиш мушкул.

## III. БИР ЯХШИЛИККА -- МИНГ ЯХШИЛИК

Бунинг учун ислоҳот қалдирғочларининг қаноти синдирилмаслиги керак, албатта.

**ДАЛИЛ. Ўтган уч йил мобайнида республикамизда 19,5 мингдан зиёд деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг 1761 таси Наманган вилоятида жойлашган. Бу деҳқон (фермер) хўжаликларининг 431 таси чорвачилик, 586 таси эса деҳқончилик билан шуғулланмоқда.**

-- Президентимиз 1994 йилиёқ Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида бундай деган эди: «Фермерлар -- аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришига имоним комил». Бу башоратнинг нечоғли тўғри эканлигига бугун ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, -- дейди вилоят деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси Н. Абдураимов. -- Ўтган йили, гарчи қишлоқ хўжалиги учун ноқулай келган бўлса-да, юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли фермерларимиз 1995 йилга нисбатан 1700 тонна бошоқли дон, 350 тонна пахта, 868 тонна мева, 554 тонна картошка ва 405 тонна узум кўп етиштирдилар. Мингбулоқ туманидаги «Саида» фермер хўжалиги 4 гектар ернинг ҳар гектаридан 64,3 центнер, Чортоқ туманидаги «Барака» фермер хўжалиги 62, Чуст туманидаги «Актив» фермер хўжалиги 60 центнердан дон, Наманган туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги 6 гектар майдондан 120 тонна, Янгиқўрғон туманидаги «Маъмурчилик» фермер хўжалиги 4 гектар ердан 100 тонна картошка йиғиштириб олдиларки, уларга қанча раҳматлар айтсанг ҳам оз.

Бироқ вилоят бўйича етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида мавжуд деҳқон (фермер) хўжаликларининг ҳиссаси 2 фоиздан 26,5 фоизгача тўғри келиши ҳисобга олинса, уларнинг иши ҳали талаб даражасида эмаслиги ойдинлашади. Бунинг сабаби нимада?

Муродилла Юсуповнинг номи Тўрақўрғон туманида кўпчиликка маълум. 1991 йилда у «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида биринчилардан бўлиб фермер хўжалигини ташкил этган эди. Ўтган даврда Муродилла ака қорамолларнинг сонини 100 бошдан оширди, уларга атаб катта молхона қурди, зарур техника воситаларини сотиб олди. Шунга яраша йилига белгиланганидан кўп маҳсулот бериб турди. Лекин озуқадаги тақчилликлар, гўшт ва сутни топширишдаги бошбошдоқликлар унинг силласини қуритди. Бугунги кунда фермер хўжалигида 65 бош қорамол, шу жумладан, 30 бош соғин сигир, бир бош от, 15 бош қўй бор. Ўтган йили эл дастурхонига 4,5 тонна гўшт, 45 тонна сут тортиқ этилди. Ҳар бош говмишдан соғиб олинган сут 1835 килограммни ташкил этди. Жами даромад эса 540 минг сўмга етдики, унинг 55 минг сўми соф фойдадир.

-- Бу кўрсаткич жуда кам, албатта, -- деди у. -- Ҳамма бало ем-хашакнинг танқислигида. 15 гектар ердан саранжомланган озуқа мавжуд қорамолларга урвоқ ҳам бўлмаяпти.

Маълум бўлишича, туманнинг собиқ ҳокими О. Бозоровнинг 1992 йил 12 июндаги 6/111 «А»-сонли қарорига кўра, Муродилла Юсуповнинг фермер хўжалигига 20 гектар ер ажратилиши керак экан. Бу масала ҳанузгача ҳал этилмабди.

-- Туман ва вилоят деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмалари раҳбарлари, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг кабинетларига бораверib чарчадим, -- куйиниб гапирди у. -- Натижа эса йўқ. Бўлмаса тегишли ташкилотлар бизни зарур миқдордаги озуқа, омихта ем билан таъминлаб турсинлар-да. Қуруқ хашак билан кўпроқ гўшт ва сут етиштириб бўлмайди-ку, ахир!

ҚИЁС: шу тумандаги Бобур номли жамоа хўжалиги фермери Муҳаммаджон Хоназаровнинг қарамоғида 11,2 гектар ер бўла туриб, 17 бош қорамол (шундан 10 боши говмиш) парваришланмоқда. «Балки самарадорлик юқоридир?»--дерсиз. Қаёқда. Бултур 3 тонна ўрнига 1,3 тонна гўшт, 30 тонна ўрнига 13 тонна сут сотилди. Бу борадаги режалар эса мутаносиб равишда 43 ва 43 фоиз бажарилди, холос. Натижада бир мири ҳам соф фойда олинмади.

Табиий савол туғилади: жонкуяр фермер Муродилла Юсуповга ер йўқ деб баҳона қилаётган туман раҳбарлари бу ачинарли ҳолатдан ҳам хабардормикин?

1995 йилнинг бошида Чуст туманидаги «Ўктам», Тўрақўрғон туманидаги «Ш. Омонов», Чортоқ туманидаги «Рустам» фермер хўжаликлари «Тадбиркорбанк» бўлимларидан анча миқдорда кредит олишганди. Ўша пайтда бу кредит бўйича 10-15 фоиз устама ҳақ тўланиши белгиланган эди. Аммо йил охирида ана шу кўрсаткич кутилмаганда 120-140 фоизгача кўтарилиб кетди. Оқибатда фермерларнинг ўз қарзларини тўлашга қурби етмай қолди: уларнинг айримлари синди, бошқалари эса заифлашиб қолди. «Банклар нима учун тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмаяптилар?» деб сўрайдиган марднинг ўзи эса йўқ.

Муаммолар фақат шулардангина иборат эмас. Чортоқ туманидаги «Хазина» фермер хўжалигига «Чортоқ» жамоа хўжалиги раҳбарлари томонидан вақтида сув берилмагани туфайли 10 гектар ерга экилган экин пишмасдан қовжираб кетди. Мингбулоқ туманидаги «Турон» фермер хўжалиги аъзолари эса бир йилдан буён «Ўзгариш» жамоа хўжалигидан ўзларига тегишли 80 минг сўм пулни ололмай, сарсон бўлиб юришибди. Сабаб? Бу фермерлар ўз ҳуқуқларини билишмайди. Бўлмаса улар нима учун хўжалик судларига мурожаат қилмайдилар? Масаланинг бошқа жиҳати бор. Йил бошида фермерлар билан жамоа хўжаликлари ўртасида тузилган контрактация шартномалари барча талабларга жавоб бера олмайди. Хусусан, бу ҳужжатларда «Экинни экиш ва парваришлаш даврида жамоа хўжалиги томонидан деҳқон (фермер) хўжаликларига етарли миқдорда сув ва ўғит ажратилмаса, етказилган зарар шахсан бошқарув раисининг маошидан ундириб олинади», «Фермер хўжалиги маҳсулотини харид қилган жамоа хўжалиги ёки корхона унинг нархини ўз вақтида тўламаган тақдирда мазкур хўжалик ёки корхонанинг раҳбари маъмурий жазога тортилади» ва шу каби бошқа бандлар ўз аксини топмаган. Шу боис улар хотиржам, мабодо фермер шикоят қилиб келса, пинагини ҳам бузмайди. Демак, ушбу камчилик учун фермерлар нафақат раисларни, балки ўзларини ҳам айблашлари лозим. Бугунги кунда ўз ҳуқуқлари ва бурчларини тўла англаб етмаган ишбилармоннинг иши юришмайди. Айни чоғда хўжалик раҳбарлари ҳам фермерларга ҳар томонлама ёрдам беришга мажбур эканлигини унутмасликлари керак. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади-ку!

Бу муаммолар жойларда ўз ечимини топмаганлиги сабабли, 1996 йил давомида вилоят бўйича 130 дан ортиқ фермер хўжалиги ишини тўхтатишга мажбур бўлди. Туман ва вилоят ҳокимликлари нима билан шуғулланаяпти ўзи? Ахир, фермерлик ва тадбиркорликнинг тез ва кенг ривожланиши учун йўл очиб бериш уларнинг вазифаси эмасми?

## IУ. «СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚИШ» УСУЛИ

**ДАЛИЛ. Бултур вилоятда чорвачилик маҳсулотларини реализация қилиш ҳажми 1995 йилга нисбатан ўсиш ўрнига бирмунча пасайди. Хусусан, бу борадаги гўшт режаси 79,5, сут -- 57,2, тухум бўйича эса 57,8 фоиз бажарилди. Қатор хўжаликларда маҳсулот тайёрлаш топшириғи бой берилгани боис шундай натижага эришилди, албатта. Аммо айни шу ҳол қайта ишловчи корхоналар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.**

Тўрақўрғон туманидаги «Ниҳол» хусусий агрофирмаси (директори Абдурашид Бобомирзаев), асосан, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда сотиш билан шуғулланади. У туман ҳокимлигининг 1995 йил 25 октябрдаги 10/381-сонли қарори асосида кичик корхона негизида ташкил этилган. Бу ерда жами 115 киши ишлайди.

Корхонада бир кеча-кундузда 10 тонна сутни қайта ишлайдиган цех, 1500 килограмм нон пиширадиган новвойхона, 1000 килограмм ун ишлаб чиқариш қувватига эга тегирмон мавжуд. Бугунги кунда сутни қайта ишлаш цехида пиширилган сут, сметана, қаймоқ, сариёғ, творог, «Ниҳол» пишлоғи каби 11 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Уларнинг сифати давлат андозаларига мос.

Айтайлик, қаймоқнинг ёғлилиги меъёрий ҳужжатга мувофиқ 50 фоиз, нордонлиги -- 18/18/, пишлоқнинг ёғлилиги даражаси -- 45/45/, намлиги эса 46/43/ фоизга тенг. Бу маҳсулотларнинг нархи ҳам анча арзон: бир килограмм сут 16 сўм, сметана -- 105, қаймоқ --180, сариёғ -- 225, пишлоқ -- 225 сўм. Шу боис ўтган икки йил мобайнида мижозлардан бирорта ҳам эътироз билдирилмаган.

Мижозлар эса Наманган шаҳар таъминот бўлими, қизлар гимназияси, туман марказий шифохонаси, санаторий, Тўрақўрғон таъминот бўлими, ўзбек-турк лицейи, 48-мактаб-интернат, халқ таълими бўлими ва «Тошдавтаъминотсавдо» бўлиб, 1996 йилда уларга 72,8 тонна тайёр маҳсулот сотилган.

Шуниси эътиборлики, шартномага асосан, мижозлар тегишли миқдордаги пулни ўтказганларидан кейингина маҳсулот билан таъминланади. Муддатида маҳсулот етказиб бермагани ёки унинг ҳақини ўз вақтида тўламагани учун, айбдор томонлар 30 календарь кунида 10 фоиз, шу муддатдан ўтган ҳар бир кун ҳисобига эса 1 фоиздан жарима тўлайдилар. Бунинг самараси ўлароқ, корхонанинг молиявий аҳволи анча дуруст: дебитор ва кредиторлик қарзлари бирмунча кам. Бу -- биринчиси. Иккинчидан, 1996 йил мобайнида 19 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 60 фоизи, юқорида айтилганидек, давлат таъминотидаги ташкилотларга етказиб берилган бўлса, қолгани махсус дўконлар орқали аҳолига сотилди.

Бу рақамлар билан танишган кишида «Ниҳол»да иш яхши экан-да» деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Лекин корхонанинг икки йиллик кўрсаткичлари бир-бирига таққосланса, бултур 1995 йилга қараганда оз маҳсулот тайёрлагани дарров сезилади. Хусусан, 113 тонна ўрнига 46 тонна сариёғ, 200 тонна ўрнига 155 тонна пиширилган сут, 8 тонна ўрнига 5 тонна сметана, 107 тонна ўрнига 44 тонна сузма ишлаб чиқарилган.

-- Бунинг сабаби нимада? -- сўрадик директор Абдурашид Бобомирзаевдан. -- Нега цехлар тўла қувват билан ишламаяпти?

-- Биласизми, хўжаликларда сут етиштириш ҳажми кескин камайиб кетди, -- дея жавоб берди у. -- Натижада ўтган йили улардан мўлжалдаги 4,5 минг тонна хомашёнинг тенг ярмини олдик. Бу мавжуд ишлаб чиқариш қувватининг 50 фоизидан фойдаланиш имконини берди, холос.

-- Сут муаммо экан, уни ўз кучларингиз ёрдамида етиштиришга ҳаракат қилмаяпсизларми? Бугунги бозор шароитида «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутган киши муродига етмайди, ахир.

-- Тўғри. Шу мақсадда 1995 йил 26 августда бўлиб ўтган «Кимошди» савдосида тумандаги «Намуна» жамоа хўжалигининг чорвачилик фермасини 4 миллион 100 минг сўмга сотиб олган эдик. Ҳозир фермада 400 бош қорамол, шу жумладан, 140 бош соғин сигир бор. Аммо, тан олиш керак, маҳсулдорлик кам. Сабаби -- бизга атиги 50 гектар ер ажратилган. Ҳолбуки, ҳар бош қорамолга камида 30 сотихдан майдон тўғри келиши керак. Натижада бултур 4 минг тонна ўрнига 2 минг тонна хашак жамғарилди.

Ҳақиқий раҳбар ўз фаолиятининг пировард натижаларини чамалаб кўришга ўрганиши, таннарх, даромад, фойда, иш ҳақи каби тушунчалар маъносини бемалол чақадиган бўлиши керак. Бу меҳнатни ташкил этишни тўғри уюштириш, деҳқонларни моддий рағбатлантиришнинг самарали шаклларини танлай билиш имконини беради. Ишни тўғри юритишда, шунингдек, механизациялаш даражасини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни озайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир мисол. Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалигида ана шу омиллардан оқилона фойдаланаётгани туфайли 230 бош говмишнинг ҳар биридан кунига 8-10 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Бу ерда йилига 46 гектар ерга перко, нўхат, тритикалий, сули ва арпа аралаш ҳолда, оралиқ экин сифатида экилади. Ундан гектар ҳисобига қарийб 15 тонна озуқа бирлигида ем-хашак йиғиштириб олинади. Ем-хашак махсус цехларда ишланиб, молларга рацион асосида берилади. Бузоқ ва бўғоз сигирларга эса ҳатто кунига бир-икки килограммдан сабзи едирилмоқда. «Сигирнинг сути тилида», деб шунга айтсалар керак-да.

Қизиқ, бу тажриба нима учун «Ниҳол» хусусий агрофирмасида қўлланилмаяпти? Шунинг учунки, унинг раҳбарида, қанчалик аччиқ бўлмасин, янгиликни илғаб, уни тезда ўз мулкига айлантиришдек ғоят зарур фазилат етишмайди. Халқимизда бундай тоифадаги кишиларни «ношуд» деб аташади. Бўлмаса у ўзгалардан сотиб олинган сут ҳисобига тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга зўр бериб, хомашё етиштиришни унутмас эди.

Ношуд раҳбар аксарият баҳона қидиради, меҳнат аҳлининг ғамини эмас, балки кўпроқ ўз манфаатини ўйлайди. Буни Косонсой туманида жойлашган очиқ турдаги паррандачилик ҳиссадорлик жамияти мисолида кузатиш мумкин.

Бир пайтлар 3 миллион бройлерга мўлжалланган бу паррандачилик фабрикаси нафақат Наманган вилоятида, ҳатто республикада ҳам маълум ва машҳур эди. Аммо 1993 йилга келиб, унинг шуҳрати бутунлай сўнди: якунда атиги 20 минг 480 сўм соф фойда олинди. Йил-ўн икки ой давомида 46 минг бош паррандани парваришлаган 170 нафар ишчи қулоғини ушлаб қолаверди.

1994 йил 25 июль куни корхона яхши ният билан акционерлик жамиятига айлантирилди. Ишчи-хизматчилар «Энди косамиз оқарадиган бўлди» деб қувонган бўлсалар, косонсойликлар «Дастурхонимизга яна барака киради-ёв», дея умид қилишди. Афсуски, 171 нафар заҳматкашнинг таваллоси яна саробга айланди. Соф фойда аввалги йилдагидан ҳам камайиб, бор-йўғи 19 минг сўмни ташкил этди.

Нега шундай аҳвол юз берди? Тўғри, режадаги 3 миллион дона ўрнига 1 миллион 315 минг дона тухум тайёрланди. Лекин 192,7 тонна, белгиланганидан 92,7 тонна кўп парранда гўшти топширилди-ку! Бунинг эвазига қўлга киритилган 2 миллион 479 минг сўм даромад қаерга кетди? Ҳар тугул бу гал ана шу саволларга жавоб топилди.

-- Топган-тутганимизни витаминли озуқа ва вакциналарни сотиб олишга харжладик. Кўрмаяпсизларми, уларнинг нархи одамни чақади, фонд эса йўқ, -- дейишди жамият раҳбарлари. Бироқ уларнинг бирортаси хўжаликка хиёнат қилингани -- қуруқ обрў топиш илинжида 45 минг 100 бош товуқнинг 41 минг 100 боши сўйиб юборилгани, келгуси йил учун фақат 4 минг бош парранда қолдирилгани хусусида лом-лим демади.

Бир қараганда, озуқанинг танқислиги рост эди. «Шу масалани қандай қилиб ҳал қилсак экан?» деб бош қотирилаётган кезларда кимдир кўпчиликнинг дилидагини юзага чиқарди-қўйди:

-- Фабриканинг шундоққина биқинида бўрдоқичиликка ихтисослашган «Наврўз» жамоа хўжалигининг 400 гектар ери бор-а? Агар иккала хўжалик қўшиб юборилса, олам гулистон: паррандабоқарлар ем ташишидан, бўрдоқибоқарлар эса 30 чақиримлик масофага озуқа ташиш заҳматидан халос бўлишади.

Бу фикр мутасадди ташкилотларга ҳам маъқул бўлди. «Наврўз» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Собитжон Бобоев 1995 йилнинг апрель ойида «Косонсой» очиқ турдаги паррандачилик ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимини эгаллади.

Дастлабки йили Собитжон аканинг жон куйдириб (ахир янги раҳбар акахонларининг ишончини оқлаши керак-да) ишлаши туфайли жамият иқтисодида бироз ўзгаришлар рўй берди. Аммо кўрилган соф фойда 48 минг сўмдан ошмади. Ана, сизга 203 кишининг насибаси!

Бугунги кунда жамият тасарруфида 478 гектар майдон бор. Ўтган йили 175 гектар ернинг ҳар гектаридан 19 центнердан ғалла, 108 гектар майдондан гектар ҳисобига 10 центнердан пахта саранжомланди, холос. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириғи ҳам барбод қилинди. Мавжуд 181 бош қорамол, шу жумладан, 9 бош соғин сигир ҳисобига 9 тонна 680 килограмм гўшт, 3 тоннаю 270 килограмм сут етиштирилганини нима деб изоҳлаш мумкин?

-- Даромад ҳам ҳаминқадар бўлгандир?

--Асти сўраманг! -- деди бош бухгалтер Сотволди Обидов. -- Йилни 78 минг сўм зарар билан якунладик.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни уқтириб ўтиш жоиз: бу ҳиссадорлик жамияти шунчаки, номигагина ўз шаклини ўзгартирган, аниқ бизнес режасига эга эмас, акциядорлар эса жамиятнинг бошқарувида иштирок этмаяпти. Бунга ким айбдор? Раҳбар, албатта. У, шунингдек, ўзининг икки йиллик фаолияти мобайнида деҳқонлару чорвадорларнинг даромадини, соф фойдасини ташкил этмагани, уларнинг ризқ-рўзини таъминлай олмагани учун ҳам айбдордир. Таассуфлар бўлсинким, биз ушбу хўжаликда бўлган кунимиз раис Собитжон Бобоев «ўз аризасига биноан» ишдан бўшаб, ҳозир дам олаётгани, туман раҳбарлари эса у кишига бошқа бир мансаб курсисини мўлжаллашаётганини айтишди.

Астағфурилло! Бу «сувдан қуруқ чиқиш» усули эмасми? Янгиликка тоби бўлмаган, эски услубларда суяги қотган, тадбиркорликка, ишбилармонликка тўсиқ бўлувчи одамларга мансаб берилаверилишидан таажжубланасан киши.

* * *

Кўриниб турибдики, Наманган вилояти қишлоқларида ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида муайян тўсиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасида камчиликлар мавжуд. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган деҳқон (фермер) хўжаликларига, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидлаганидек, уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларни ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО



**Жуманиёз ЖАББОРОВ**

# БИР УМР ТАРК ЭТМАГАЙ, ЖОНИНГНИ ЭНГ ПОРЛОҚ ХАЁЛ

### ТЎРТЛИКЛАР

*Нега туғилдим деб, дўстим, ема ғам,*
*Қалбингни эзмасин минг дарду рўё.*
*Навоий борлигин билмоқ учун ҳам*
*Бир келиб-кетишга арзир бу дунё.*

* * *

*Шеърият -- қалб инжуси, олий тафаккур иши,*
*Таъб ёғдуси эрур ул, севгидай гўзал, лобар.*
*Шеърни қўлнинг учида таржима қилган киши*
*Булбулни гўшти учун сўйган билан баробар.*

* * *

*Кимга меҳнат, кимга ҳордиқдир ҳаёт,*
*Ўйламанг, беҳуда тортиқдир ҳаёт.*
*Сиз уни яшнатгали кўнгил беринг,*
*Ҳар нечук бойликдан ортиқдир ҳаёт.*

### ТОПМАДИ

**(Камол Хўжандийдан)**

*Дил сенинг васлингдан ўзга бир таманно*
*топмади,*
*Кўз сенинг ҳуснингдан ортиқ бир томошо*
*топмади.*

*Ақлимиз айлаб жамолинг жилвасинда сайри боғ,*
*Холу зулфингдан сафоли, шавқли савдо топмади.*

*Кўз юзинг кўрган замон шундай мунаввар дам*
*эди,*
*Бунча шан фурсатни ошиқ аҳли асло топмади.*

*Ишқдан маст кўзларим ҳеч тўймагай ҳайрон*
*боқиб,*
*Чунки бундоқ сарвқат барнони дунё топмади.*

*Кўзларим йиғлаб дегайлар: бундайин гавҳарни ҳеч*
*Зоти инсон излабон минг битта дарё топмади.*

*Ҳусну қаддинг сирру асрори юракни ўртагай,*
*Фаҳму идрок бунчалик мушкул муаммо топмади.*

*Эй, Камол, жаннатдан ортиқ бир макондир ёр*
*куйи,*
*Ҳеч бир ошиқ сенчалик шавкатли маъво*
*топмади.*

### МУСТАЗОД

*Чеҳра очиб, офтоб янглиғ келур соҳибжамол,*
*лабларда ширин кулгулар,*
*Зулфи хушбўйим ўпиб мастонавор ўйнар шамол,*
*ҳарён тараб шан туйғулар.*

*Пешвоз чиқдим йўлига офати жон ёрнинг,*
*этмоққа бир дам арзи ҳол,*
*Тутмагай меҳрин дариғ шайдосидан деб*
*эҳтимол,*
*кўнгилда рангин орзулар.*

*Ўтди дилбар, бир гуруҳ дўстлар билан*
*чах-чахлашиб,*
*дилларда ёшлик безавол,*
*Қайси гулшанлар аро, ё раб, улар топмиш камол,*
*бир даста ўйноқ оҳулар.*

*Бу гўзалликдан агарчи баҳрамандсан, эй кўнгил,*
*ҳам бахтлисан, ҳам масту лол,*
*Бир умр тарк этмагай жонингни энг*
*порлоқ хаёл,*
*умрингга тўлгай ёғдулар.*

*Оҳки, бепарво санам боқмай қиё, куйдирди-ку,*
*айтмай жавоб, бермай савол,*
*Сен-чи, қолдинг жовдираб ҳам довдираб,*
*ошуфтаҳол,*
*кор қилмай оҳу «ё ҳу» лар.*

### СЕНИНГДЕК...

*Қай кунки кўрдим Сени ойнаи жаҳонда,*
*Ҳайрат, ифтихор ўти ялт этди жисму*
*жонда.*

*Беҳад эди кўнгилда ошуфталик, шайдолик,*
*Мингдан бирин деюрга сўз йўқ эди забонда.*

*Қайси даврда ўтмиш сенингдек бир дилором,*
*Келмиш сендек париваш ё қайси бир замонда?*

*Қайси раъно сенингдек бўстонда жилва этди,*
*Ё қайси юлдуз сендек порлади каҳкашонда?*

*Жавҳари ақлу мантиқ жилоланур сўзингда,*
*Сўзлар эди кўзинг ҳам лутф ила шўх лисонда.*

*Гўзаллар-ку жаҳонда кўпдир, бу гап ҳақиқат,*
*Сендек гўзал туғилгай фақат Ўзбекистонда!*

### НАСИҲАТ

*Сўзнинг бағрида зоҳир азал билан абад ҳам,*
*Сўзнинг мағзинда ётур ҳар неки хайру бад ҳам.*

*Сўз билан ол, аввало, бирор одам кўнглини,*
*Шод эт яхши сўз билан учратсанг бир мунглини.*

*Ғариб бошин қўлингдан келса, елдек силаб ўт,*
*Маъюс дилга қуш каби бир енгиллик тилаб ўт.*

*То бор экан яхши сўз, ёмоннинг*
*баҳридан кеч,*
*Дейдиларким: яхшилик ерда*
*қолиб кетмас ҳеч.*

*Бирор дилни заррача тилиб*
*ўтсанг сен бугун,*
*Эрта сенинг қалбингни*
*портлатур муштдек*
*тугун.*



## ТАБИАТ ТОЖ КИЙДИРГАН ЮРТ

# УЛУҒЛАР ҲАМИША УЙҒОҚ



**Дунёдаги ҳамма йўллар Римга боради, деган қизиқ гап юради. Бу шунчаки айтилганми ёки Уйғониш даври бешикларидан бири бўлган мамлакатга нисбатан инсоният ҳурматими — билмадиг-у, -- бироқ яхши жаранглайди. Лекин Ўзбекистондаги барча йўллар қаерга бўлса-да, ёруғлик олиб боради...**

Йўлларимизда ойдинлик оқади. Бу ойдинлик улуғ қадамжолар, қутлуғ обидалар, жаҳон маънавияти осмонини нурафшон этган буюк алломаларимизнинг охират манзилларидан таралади. Тарозининг бир палласидаги бутун инсоният умри бир оғиз ҳикмати тенг келажак улуғлар яшаб ўтган юртимиз жаҳон маданиятининг мўъжизакор дарвозасидир...

Ер юзидаги уйғоқ одамлар Римданми, Парижданми, қаердан бўлмасин, нур истаб, ҳикмат изласалар, аввало, шу эшик орқали кириш дуруст эканлигини аллақачон англаб етганлар. Биз барча сир-синоатли табаррук жойларимизни тўлиқ билмаймиз. Ҳамюртларимиз ўрганган тарих ва жўғрофия китобларидаги бир ёқламалик, замонасозлик ҳам сабаб бунга. Бироқ маънавият ўчоқларининг жазиллаган чўғларини даврларнинг чанг-тўзони кўмолмас экан.

Кўпчилигимиз Сурхондарёни чўл, кенг адирликларда ястанган воҳа деб қараймиз. Лекин вилоятнинг анчагина қисмини эгаллаган тоғ ҳудудларига сафар қилсак, табиатнинг мафтункор кўркидан лол қоламиз. Ҳисор тоғларига туташиб кетган бу мўъжизакор жойлар сурхонликлар назлида илоҳий маъно касб этади. Олтинсой туманининг Мўминқўл қишлоғи тепасидан ўтган дарё бор. У тескари, баландлик томонга оқади. Дарё улуғ қадамжо — Хўжаипок ота зиёратгоҳи жойлашган тоғ ёриғидан бошланади... Шундан-да, дарё ўша улуғ зот номи билан аталади.

Хўжаипок ота зиёратгоҳига ёз бошланиши билан ҳар куни ўн минглаб одамлар келиб кетишади. Баҳаво тоғ оралиғидан чиқаётган сувдан олтингугурт таъми сезилиб туради. Ҳар қандай касалликка чалинган киши ихлос билан муздай сувга тушади. Ҳаддан зиёд совуқ туйилган сув бироздан сўнг танамизга илиқлик бера бошлайди. Ўзингизни енгил ҳис қиласиз. Шундан сўнг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёнларида юрган саккиз улуғ зотнинг бири Хўжаипок ота қабрини зиёрат қиласиз. Бу киши тарих, ҳандаса, табобат илмининг зукко билимдони, донишманд, Ислом оламида юксак мавқега эга одам бўлганлар.

Шундай улуғ инсон охират топган жой минг-минг йиллардан буён кишилар руҳини поклайди. Куч бағишлайди. Беморларга шифо беради. Ҳа, чиндан табиат ва улуғлик оралиғида биз тушунишимиз маҳол уйғунлик мавжуд.

Олтинсойда сўлим Вахшивор деган маскан бор. Юксак тоғ бикинида жойлашган сурхонликлар меҳр қўйган, муборак деб билган ушбу гўшада улуғ аллома, сўфийлик илми донишманди, авлиё Сўфи Оллоёр бобомиз макон топганлар. У кишининг қабрлари ёнидан ҳам одам аримайди. Юракларга ҳикмат жавоҳирини сочиб, дилларни илоҳий шеърлар билан ҳайратга солган бобомизга нисбатан она-табиат ўз эҳтиромини аямаётгандай, гўё. Вахшиворни томоша қилиш, йўқ, аввал бобомизни зиёрат этиб, сўнгра томоша қилиш керак... Кейин... дилимиз Вахшивор тоғларидай юксалади. Ботинан фалакларга чиқамиз. Борлиқнинг бетакрор гўзаллиги, тоғ сувларининг шарқираб тўкилиши, топ-тоза кенглик руҳимизга синггийди. Гўзаллик инсоннинг бир бўлаги эканлигини тушуниб етамиз.

Сангардак момо зиёратгоҳи янада жозибалироқ. Бир боринг. Муборак қадамжога тоғ йўли орқали кирилади. Тепага қарайсиз. Ваҳимали туюлади. Бошингизда осмоннинг бир парчаси кўриниб туради. Назарингизда иккала томонидаги кўкка тегиб турган чўққилар қулаб тушадигандай. Кўп ўтмай бу бекиёс манзара мангу эканлигини англайсиз. Тоғ кўплаб чақиримга чўзилади. Унинг қоқ ўртасидан шариллаб сув отилаяпти. Қизиқ, чўққилар оралиғидан тушаётган шаршаранинг бошланиш нуқтаси қаерда экан? Сув қайдан тушаяпти? Қийналманг, бирор муҳим хулосага келолмайсиз. Тоғларнинг орасида ҳам сувлар оқиб туради, деган оддий фикрда тўхтайсиз. Қуёш нурларида товланиб, тоғ белидан сачраб тушаётган шаршара гўёки табиат исмли малакнинг сержило сочларига ўхшайди. Одамлар бу жозибадор гўзаллик қошида доимо ҳаяжонга тушадилар, завқланадилар. Дунёнинг илоҳий қудратини туядилар. Бу ерга зиёрат учун келган келинлар табиатдай жўшқин, кўркаму малоҳатга бой фарзанд кўришни ният қиладилар. Одамлар гўзалликнинг мислсиз шавқидан енгил тортадилар. Сангардак момо покизалик, беғуборлик тимсолида улуғланади.

Она-юртимиз бағрида ана шундай чиройли ва ажойиб жойлар кўп. Уларнинг жозибасига яраша моҳияти ҳам бор.

Ўзбекистоннинг ёруғ йўллари шу каби мислсиз мафтункорлик жо масканлардан бошланади. Шу боис ўлкамиз йўллари доимо ёрқиндир. Дунёдаги барча йўллар туташадиган жойлар -- Римдир, Париждир, билмадиг-у, бироқ бизнинг йўлларимиз дастлаб шундай сўлим ва синоатли гўшаларни айланиб боради.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХИТОЙЛИКЛАР САХОВАТИ

*Маълумки, ўтган йили имзоланган Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро алмашув ноталарида ушбу мамлакат томонидан республикамизга уч миллион Хитой юани миқдоридаги тиббий асбоб-ускуналар мурувват ёрдами сифатида етказиб берилиши кўзда тутилган эди. Яқинда ана шу келишувга биноан, 2-Тошкент тиббиёт институтининг биринчи клиникасига бир миллион юан миқдоридаги турли хил ташхис қўйиш ва даволашда ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналар топширилди. Ультрасоник, электрокардиограф, сунъий равишда ўпка ҳавосини алмаштирувчи, ошқозон-ичак касалликларини текширишда қўлланиладиган, юқори нафас йўлларини даволашга мўлжалланган замонавий тиббий асбоб-ускуналар шулар жумласидандир. Улар клиниканинг педиатрия, маслаҳатхона поликлиникаси, болалар реанимацияси ҳамда янги туғилган чақалоқларни парваришлаш бўлимларига тарқатилди.*

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Фахрланса арзигулик энг юқори сифат

Bio

CS-7277PTR
CS-6277PTR

Кафолат муддати - 2 йил




Technology that works for life

SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

ТЕЛЕВИЗОРЛАР

Мультитизим. БИО. Телематн. Ультраяпасқи биокинескоп. Тасвирда тасвир функцияси (2 тюнер). Компактли юқори технологик дизайн. Бошқарув панелининг янги дизайни. Мультистерео (икки канал/NICAM). Овозни икки каналдан чиқариш. Ахборотни экранга бир неча тилда (инглиз, рус, венгер, поляк, чех) чиқариш функцияси. Паст шовқинли кучайтиргич. Тасвирни яхшилашнинг махсус занжири. Видеосигнални яхшилаш тизими. 100 каналли созлаш имконияти. Уйқи таймери /соатлар/ қўйиш/ўчириш таймери. Ранг, тиниқлик, аниқлик, овознинг баланд-пастлигини хотирлаб қолиш имконияти. Кабель телевидениеси учун гипер-частоталар полосаси.

Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | Тошкент | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | Тошкент | "Эскижўва"кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | Тошкент | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | Фарғона | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | Андижон | "Мустақиллик"кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

SAMSUNG


«Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими, «Ўзбеккино» ДАК бадиий кенгаши аъзоси Ш. Ризаевга волидаи муҳтарамаси
**Муҳайёхон ая РИЗАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Маҳаллий саноат» корпорацияси раҳбарияти ва жамоаси «Полимер» акциядорлар жамиятининг раиси
**Нурали ЖЎРАЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон телевидениесининг ижодий жамоаси студия Бош дирекцияси муҳаррири Н. Файзиевага турмуш ўртоғи
**Алишер ФАЙЗИЕВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси, Халқ таълими ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, Акмал Икромов туман халқ таълими бўлими ва педагогик жамоалари Акмал Икромов туманидаги 455-бошланғич таълим-тарбия маркази раҳбари
**Сурайё МАННОНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзсувқурилиш» давлат концернининг бошқаруви Ўрта Осиё ихтисослаштирилган қурилиш трестининг бошқарувчиси С. С. Олимхўжаевга онаси
**Мастура ҳожиона УМАРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Саломатликни тиббий тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти жамоаси экспериментал физиотерапия бўлими раҳбари Тўражон Ғуломовга акаси
**Собитжон ДАДАЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси нашриётнинг ўзбек адабиёти таҳририяти бўлими мудири Муҳаммад Али Аҳмедовга укаси
**Азамат БЕКНАЗАРОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси органик синтез бўлимининг катта илмий ходими Барот Ўроқовга отаси
**Абдубоқи ЎРОҚОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Тўрақулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0157 46.149 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6